
ФУҚАРО МУРОЖААТИ ЎРГАНИЛДИ.

Жорий йилнинг 7 феврал куни телеграм ижтимоий тармоғининг “@Sizdan telegram” канали орқали “Фарзандим билан кўчаларда сарсон бўлиб юрибман” сарлавҳаси остида Қува тумани Толмазор МФЙда рўйхатдан ўтган фуқаро Озода Мадраҳимованинг мурожаати туман ҳокимлиги томонидан белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида фуқаро О.Мадраҳимова Андижон вилоятида мавсумий ишлар билан банд бўлганлиги сабабли фуқаро билан боғланишнинг имкони бўлмади.

Аниқланишича О.Мадраҳимова кўшни Қирғизистон Республикасига турмушга чиқиб 1 нафар фарзанди билан турмушдан ажрашиб ота уйига келиб қолган. Лекин ака-укалар ўртасида низога борганлиги сабабли туман ҳокимлиги томонидан “Махалла” хайрия жамоат фонди биносида жойлашган реабилитация марказига вақтинча яшаш учун жойлаштирилган. Шунингдек 2019 йил 28 март куни 2009 йилда туғилган фарзанди Мадраҳимов Азизбек ва тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож 19 нафар оила фарзандларига туман ҳокимлиги томонидан Хатна тўйлари ўтказиб берилган.

Вилоят Халқ таълими бошқармаси Ахборот хизматининг хабар қилишича О.Мадраҳимова фарзанди А.Мадраҳимовни Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 39-умумтаълим мактабида таҳсил олаётганлигини айтган. Бироқ ўрганиш натижасида Азизбек Мадраҳимовни онаси бошқа мактабга олиб ўтгани маълум бўлди. Бугунги кунда А.Мадраҳимов Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 18-мактабнинг 4-"в" синфида ўқиётгани аниқланди. Фуқаро Озода Мадраҳимованинг, "Болам ҳеч қаерда ўқимайди", деган важи асосиздир. Болани ўртага қўйиб, қалтис йўллар билан уй-жой ва бошқа муаммоларини ҳал қилишга урунган.

Туман ҳокимлиги томонидан О.Мадраҳимовани туман ҳокимлиги томонидан уй-жой билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Қува туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати

2020-02-09 13:05:24